

65 ТОННА
ГҮШ

Оҳангарон районидagi Ворошилов номи совхоз беш йиллик муваффақиятлик бажариш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборди.

Айниқса, бу соҳада Малик Жумакулов бошқарувчи бўлган 4-бўлим ишчилари баракали меҳнат қилишмоқда. Абдулмат Миралиев, Парда Хасанов каби ишчилар молларни семиртириб бормоқдалар. Шу тўғрйли ўтган йилга нисбатан анча яхши кўрсаткичлар қўлга келтирилди. Кейинги бир ярим ой мобайнида давлатга 65 тонна гушт етказиб берилди. Молларни семиртириш учун барча чоралар қўрилган.

СЕРДАРМАД СОҲА

Бекобод районидagi Держинский номи колхозининг чўчқачилик фермасига Н. Е. Федотов раҳбар бўлиб келди-ю, бу соҳа сердармад бўлиб қолди. Бунинг учун ўтган йилги натижаларга кўз ташлаш ки-фой. Йил бошида ферма хо-дими 450 центнер гушт ишлаб чиқариб, 650 та чўчқа боласи олиб, ва чўчқалар бош сонини 700 нафарга етказиб план ва мажбуриятларни бериш билан адо этилди. Гушт ишлаб чиқариш 1145 центнерга етказилди, бу соҳадаги план 254 процентга бажарилиди. Ҳар бир она чўчқадан 18 тадан чўчқа боласи олинди, умумий олинган чўчқа болалари сони 1443 бошга етказилди. Чўчқалар бош сони эса 1145 бошга қўлайди. Бу ютуқларга эришганида И. Веретинников, Ли Ту Мин, Е. Комаровларнинг ҳиссаси катта.

Ўтган йилги кўлга киритил-ган қувончли ютуқлар уларни-ни зафарлар сари чорламоқ-да. Ферма меҳнатчилари бу йил пландаги 700 ўрнига 1400 бош чўчқа боласи олишга, чўч-қалар бош сонини эса 750 ўр-нига 1500 тага етказишга аҳд қилишди. Шунингдек давлатга 500 центнер ўрнига 1000 цент-нер гушт топиришга тўғрисида мажбурият олдилар.

А. ҲАЙДАРОВ.



ЮКОРИ ЧИРЧИК районидagi Янгйбозор луб заводи коллективи бу йил энгмажа олинган маж-буриятни муваффақиятлик бажариш учун узаро мусобақани қизғин авж олдираётди. Қайта ил-ланган қанон толасини тойловчи Рашид Зайянов илгор ишчилар орасида ташкил қилинган мусоба-қада пешқадамлик қилаётди.

ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЯДИ

Оҳангарон районидagi «Анг-рен» совхози кўп тармоқли хў-жалиқдир. Унинг боз ва тоқ-торлари тоғ этаклари бўйлаб катта майдонлар ястайиб ётиб-ди.

Хўжаликда қўйчилик катта ўрни эгаллайди. Тоғ яйларида 12 минг бошдан ортиқ ярим майин жулиш, шу билан бирга яхши гушт берадиган қўйлар боқилади. Совхозда қўйчилик рентабеллик тармоқ бўлиб, йил сайин фақат шу соҳадан 100 минг сўмдан орти-қ даромад олинади.

Хўжаликда пичанзор майдон-лар, беда ва маккажўхори эки-ладиган ерлар йил сайин ке-нгайтирилмақда. Қиш учун мўл-қўл ем-хашак жамғариш чорвачилигини ривожлантириш да мўҳим оми бўлмоқда. Бу тоғ этакларида қор қалин ёға-ди. Чорва моллари деярлик 2—2,5 ой қўзда ем-хашак бериб боқилади. Шунинг учун

қиш ойларида ем-хашак тежаб-тергаб сарфланади.

Совхозда ўтган йилги пичан-зорлардан ўриб олинган ўтлар-дан 1.800 тонна сенаж боси-рилган эди. Бу ем-хашак до-ни экинлар сомони билан ара-лаштириб берилиши тўғрйли ем-хашакнинг сифатини бўли-шига эришилди. Ем-хашак бригадасининг бошлиғи Ўз-дош Аҳмедовнинг жонқурли-ғи, Ашур Мусулмонов, Маъ-мур Оллабердиев, Раҳим Иб-роҳимов каби механизаторлар-нинг маҳорати тўғрйли иш-иоб ерларда ҳам меҳнатчилар билан пичан ўрилди, шунинг-дек, маккажўхорида мўл хо-си етиштириб, пландагидан ортиқча ситос тайёрланди.

Қиш ойларида бу меҳани-заторлар ем-хашакларни қўй қўралари олдида ташиб келти-ришда ҳам яхши меҳнат қи-ладилар. Совхознинг барча фе-рмаларида чорва қишлови му-ваффақиятлик ажуланмоқда.

Ҳозир ҳамма отарларда қў-зилтиш бошланиб кетди. Бу

мўҳим кампанияда чўпонлар айниқса яхши тайёргарлик кўр-дилар. Ҳар бир отарга ёрдамчи ишчи қўралари берилиди. Со-вхоздаги халқ контрол группаси аъзолари отарларда тез-тез бўлиб, янги туғилган қўзилар-ни рўйхатга олишни қатъий назорат қилиб турибдилар.

Илгор чўпонлардан Мўмин Ҳолтўраев, Абдул Урозалиев, Сотиволди Аҳмедов, Омон Рибеков отарларда қўзил-тиш муваффақиятлик бошланди. Бу илгор чўпонлар ўтган йил-ни ҳар юз бош қўйдан 115—120 тадан қўзи олган ва ҳар бир қўйдан 3—3,5 килограммдан жўн қирқиб олишга эришган эдилар. Улар ҳозир совхозлар-да яхши парвариш қилиб, ўз имомларига олган мажбурият-ларини бажариш учун тайр-ат билан меҳнат қилмоқдалар.

В. УРИКНИ.

ЭЛГА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ

КПСС XXIV съезди қарорлари-ни амалга ошира бориб, умумий овқатланиш трести коллективи-ни ўқитишчи беш йилликнинг тўрт йилга ўтатиш бўлиб, план ва 1974 йил социалистик мажбурият-ларини муваффақият билан бажар-ди. Планага қўйилган 66 минг сўм-лик маҳсулот реализация қилинди. Товар обороти плани 1,4 процент-га ошириб адо этилди.

КПСС Марказий Комитети де-кабрь (1974 йил) Пленуми ва СССР Олий Совети II сессияси қа-рорларидан руҳланган трест ишчи-хизматчилари янада катта ғайрат ва иқидий ташаббус билан ишла-моқдалар. Улар тўққизинчи беш йиллик якуловчи йили ва совет халқи Улуғ Ватан урушида эриш-ган Буюк Ғалабасининг 30 йили-нини янги меҳнат муваффақият-лари билан нишонлашни ўз вата-парварлик бурчлари, деб билид-дилар. КПСС Марказий Комитети-нинг партиясга, совет халқига Му-

ЯНГИЙҒЛ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТРЕСТИ КОЛЛЕК-ТИВИНИНГ 1975 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

рожаатига жавобан коллектив ян-ги марраларни қўлаб, социали-стик мусобақа пешқадамлари сафи-да бўлишга интиломоқда.

Якуловчи йил товар обороти-ни 1975 йилнинг 27 декабрига бажарилади. Пландан ташқари 75 минг сўмлик маҳсулот сотилади. Трестнинг ҳамма қорхоналари-ни тўла ва ошириб бажариш, ишчи бир меҳрада ташкил қилишни таъминлайдилар ва планда қўзда тутилганидан 20 минг сўм ортиқ даромад олишга эришадилар. Аҳо-ли мазали ва сифатли овқатлар, айниқса миллий таомлар, қулина-ри ва қондир маҳсулотлари би-лан таъминланиб, умумий товар оборотидаги маҳаллий маҳсулот сальдои 65 процентга етказилди.

Ўтган йил кўрсаткичларига нис-батан сабазот, сут ва баланддан тайёрланган таомлар 5 процент-га қўйилди. Ишлаб чи-қаришнинг янги прогрессив метод-лари жорий қилинади, аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти яна-да оширилади. Планага нисбатан, меҳнат унумдорлигининг 1,5 про-цент ўсшига эришилди.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор берилади. Улар-нинг иқтисодий ва махсус билим доиралари кенгайтириб борилади. Трест ишчи-хизматчилари давлат ва меҳнат нитизомига қатъий риоя қилинади. Улар ўзларига ишониб топирилган уасталарда юксак масъулият билан иш олиб бориш-

лари учун ҳамма тадбирий чора-лар қўрилади.

Илгор ишлаб чиқариш тажриба-сини кенг ейтиш, мажбуриятлар бажарилишини мунтазам равишда текшириш ва ажулаб боришга ҳамма мусобақа натижаларини омдиқилини учун курашга алоҳи-да эътибор берилади.

Якуловчи йилда бир йўла 160 хўранда овқатланган 3 та ош-хона фойдаланишга топирилади. Ҳамма қорхоналар замонавий со-вutti-технологик жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлана-ди, уларнинг санитария ҳолати яхшиланишга эришилди.

Умумий овқатланиш трести кол-лективи Бекобод умумий овқатла-ниш трести коллективининг соци-алистик мусобақасга қаҳираси.

Мажбуриятлар трест маъму-рияти, партия, касбада союз ва комсомол ташкилотлари томонидан маъқулланган.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ВЦСПС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШРИ-ЛАНКАДА

КОЛОМБО. 25 февраль. (ТАСС). Ўзбекистон касба Союзлари республика совети-нинг секретари Х. В. Нұрмо-нов бошчилигидаги ВЦСПС делегациясининг Шри-Ланка республикасига визити тугади. Делегация мамлакатдаги энг катта касбада Союз федерация-ларидан бири — республика касба Союзлари федерацияси-нинг тақдифига буюн бу ер-га келган эди. Республика кас-ба Союзлари федерацияси-нига Шри-Ланка Коммунист-тик партияси раҳбарлик қил-моқда.

Совет делегацияси аъзолари бирлашган фронтга кирган Шри-Ланка Коммунист пар-тияси, Шри-Ланка озолик партияси ва социалистик пар-тияси раҳбарлигида ишлаётган касба Союз ташкилотлари ҳамда касба Союз федерация-лари бирлашган комитетининг раҳбарлари билан учрашиб, суҳбатлашдилар.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар республиканинг за-водлари, фабрикаларида, чой-зор ва каучукзорларида бўлди-лар.

БМТ ХАВФСИЗЛИК
КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК. 25 февраль. (ТАСС). БМТ хавфсизлик ке-наши дўшанба кўни кечкурун Кипр масаласини муҳокама қи-лишни давом эттирди.

Кенгаш мажлисида бўга чиққан Болгария, Гайана, Шве-ция ва Франция вакиллари турк жамоаси раҳбарларининг оролда алоҳида давлат тузиш борасида бир томонлама иш қўришлари натижасида Кипрда-ги вазият кескинлашиб кетган-лигини жиддий равишда таъ-нишлаганлигини бил-дирдилар.

Улар қўйидагиларни таъкид-ладилар: Кипр — проблемасини ҳал этиш — учун мустақам за-мин яратилди. БМТ Бош ас-самблеяси ва хавфсизлик ке-нашининг резолюциялари бор-лиги ва шу резолюция заминини да мўҳорони мустақам ва оди-лона барқарор этиш учун за-рур ҳамма элементлар — Кипр-нинг қонуний сайланган ҳуку-мати — қўллаб-қувватлаш, Кипр Республикасининг суве-ренитети, мустақиллиги, терри-ториял бутунлигини таъмин-лаш, чет эл қўшинларининг ҳеч кечитирмай олиб чиқиш кетишдан иборат тадбирлар мавжуд.

ХИТОЙДА ГУЛЧАМБАРЛАР
ҚЎЙИЛИШИГА ДОИР

ПЕКИН. 25 февраль. (ТАСС). Совет Армияси ва Ҳарбий Демиз Флотининг 57 йиллиги мўсабабати билан СССРнинг XXРдаги элчиюаси ходимлари Ухань шаҳрида хал-ок бўлган совет жангчилари, нинг қабрига гулчамбар қўй-дилар. ХХР таъриш ишлар ми-нистрлиги элчиюаси ходимла-рининг Шэньян, Харбин, Чан-чунь, Порт-артур ва Дальний шаҳарларида сафар қилиб, Хи-тоин орд қилишда, империа-лизм ва реакцияга қарши жанг-ларда халок бўлган совет жанг-чиларининг қабрларига гулча-мбар қўйишлари учун ўтган йиллардаги каби бу йил ҳам руҳант бермади.

ЮКС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕЛГРАД. 25 февраль. (ТАСС). Бутун бу ерда Югос-лавия коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг плену-ми очилди. Пленум кўн тарти-бда Югославия коммунистлар Союзи X съезидан кейинги даврда ЮКС Марказий Коми-тети президиумининг иши тўғ-рисидаги, коммунистлар союзи-ни ғойий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ҳамда кадрлар би-лан мустақамлаш ҳақидаги ҳисобот ва бошқа масалалар бор.

Пленум ЮКС Марказий Ко-митети президиумининг ҳисо-ботини тасдиқлади. Ҳисоботда коммунистлар Союзи ўзининг X съезидан кейин тобора қатъий революцион ҳаракат пар-тиясига айланиб бораётгани, ги таъкидлаб ўтилади. Ташқи-

лий ва ғойий-сиёсий жиҳат-дан анча мустақамланган, янада кучлироқ сафарбарлик қобилиятига эга бўлиб қолган Югославия коммунистлар Сою-зи ўз сиёсатини тобора юқо-ди ва самарали амалга ошир-моқда.

Пленумда «Югославия ко-мунистлар Союзи ғойий ва ташкилий қурилишининг асту-ни масалалари» тўғрисида ЮКС Марказий Комитети пре-зидиуми йқроия комитети сен-ретери Ю. Билич доклад қи-лди.

Пленум ЮКС Марказий Ко-митети президиумининг ҳисо-ботини тасдиқлади. Ҳисоботда коммунистлар Союзи ўзининг X съезидан кейин тобора қатъий революцион ҳаракат пар-тиясига айланиб бораётгани, ги таъкидлаб ўтилади. Ташқи-

АФРИКА ҚИТЪАСИНИНГ
ЖАҲУБДА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ

Кучайиш кўйида Африка Республикаси ирчи ҳу-куматини қўйиб қўлади. Шу бобедан ирчилар кўрла-про-соти олиш учун қўлаб маблаг ақратмоқдалар. Суратда: ир-чи-лар ҳарбий тайёргарликда.

Камера Пресс—ТАСС
фотоси.

Техника қувватидан умумий фой-даланиш, механизаторнинг беко-турб қўлишга йўл қўймаслик учун 186 киши механизаторликка тайёрланмоқда. 1975—1976 йил-ларда механизаторлар сафини ик-ки смевда ишлашга етказиш биз-нинг ҳозирги асосий вазифалари-миздир.

Механизатор малакали бўлган, дағина, яъни у йилинг ҳамма фасида ишлаши лозим бўлган тракторларни мавсум талабига би-ноан бошқариш қобилиятига эга бўлгандагина колхоз, совхозлар-даги техника қувватидан тўлароқ фойдаланиш имконияти тўғилади. Районимиздаги механизаторлар-нинг асосий қўлиниги ана шу-дай қобилиятга эгадирлар. Бун-дан ташқари, тракторчиларнинг класс даражаларини ошириш тад-бирлари ҳам амалга оширилмоқ-да. Тўғри, ҳозир бизда 32 процент тракторчи биринчи класс, 28 процент иккинчи класс, 40 процен-т 3 класс малакасига эга. Бу албатта, талабга жавоб бермайди. Биз I—II класс даражасидаги тракторчилар сафини қўпайтириш учун курашмоқдамиз.

Вотинцев номи колхозда Тур-қора Раҳимбердиев билимдон, вазифасига гоат масъулият билан қарайдиган, ишбилармон механиз-атор сифатида жуда ҳурмат қи-лишади. У ўтган йили машина билан кўп ва сифатли пахта те-риш ташаббусини бошлаб, район механизаторларига хат ёзди. Шу мактубда шогирдлар тайёрлаш, уларнинг ҳам юқори унум билан меҳнат қилишга қўмақлаштириш устозларини бурчи эканлиги ёл-лохда таъкидланган эди. Т. Ра-ҳимбердиев механизаторлар кур-сини тугатилган ёш тракторчи Қўчқор Қодировни шогирдликка қабул қилди, унга техника «сир-ларини, ўз тажрибасини бақони дил ўргатди. Натижада Қ. Қоди-ров 1974 йили муваффақиятлик якулади. Устози 320 тонна пахта терган бўлса, унинг терган пах-таси ҳам шунга етай, деб қолди. Қ. Қодиров яқинда КПСС қанди-датлигига қабул қилинди. У усто-зи сингари тракторчи, пахта-териш машинасини иш тугатиш бил-а-

ноқ сифатли ремонт қилиб қўйди. Бундай мисолини районимиздаги ҳар бир колхоз ва совхоздан кел-тириш мумкин.

Сувчи пахтачилик, умуман, деҳ-қончилик тарқиқоти тақдирини ҳал қилувчи кучлардан бири. Ер-ларга солинган минерал ва ор-ганик ўғитнинг экни томирига сини-ши, ер структурасини сақлаш, бо-қайдадан тежамкорлик билан фой-даланиш, бу ишни йил шаронтига қараб ишчилани билан ташкил этишда сувчи катта роль ўйнайди. Лекин, шунинг айтиш керакин, ке-йинги йилларда сувчилар сафи су-ст ўсмақда, бу ишга ёшлар кам жалб қилинаётди. Район пар-тия ташкилоти бунинг ҳисобга олиб, қўл қўйиш ишлар қилмоқда. Мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўйган сувчиларини моддий-маънавий жиҳатдан рағбатланти-риш, уларга ҳақ тўлашни яхши-лаш тадбирлари амалга ошириля-пти. Бундан ташқари, сувчиллик касбига йигирма-йигирма беш йил мунтазам ишлаган, шу касб ор-қали обрў-эътибор, бойлик ортти-рган кекса сувчиларнинг ёшларга мурожаати эълон қилинмоқда.

Ҳамид Олимжон номи колхоз-ининг тажрибали сувчиси Мустафо-қул ўринбосининг ўтган йилиги ёнда сув қадри ва сувчи масъу-лиятини ҳақда соғам қолмас таъ-лиқини билан диққатга сазо-вордир. У жумладан бундай ёлди: «Ер сугорганини ақ қадрайди. Қўнчилик хурматига сазовор бўл-моқ—инсон бахти. Мен ўш етти ешимдан бери сувчиллик қиламан. Шу меҳнатидан қадр-қиммат тоқдим, обрў-эътибор қозондим, бойлик орттирдим. Қишлоқлари-мизнинг ёшлари, сизларга муро-жаат қилияман: Сувчиллик кас-бини эгаллангиз! Сизлар учун ҳамма шароит яратиб берилади. Ишлаб туриб, сиртдан бемалол ўқилларингиз мумкин. Хўжалик-ларингиз шон-шухратини ошириш ишидан четда қолманглар!»

Мустафоқул ўринбосер ёшларга мурожаат қилибгана қолмай, таж-рибали сувчиларга шогирд тайёр-лашга даъват қилди. Унинг ўзи Фаизулла Бердиқулов, Исоқ Мус-

тафуқулов, Абдулла Тўлаганов сингари ёшларни шогирдликка олиб, ўз касбининг ўргатди, улар бутунги кунда илгор сувчилар са-фидан жой олишган.

Пахтачилик ривожланган сари сугорити техникаси ҳам ўсиб бори-моқда. Далада ишлаётган сувчи камиди гидротехник даражасидан маълумотга эга бўлиши керак. Биз бу йўлда ҳам қатор ишлар қилишмоқдамиз. Шу тўғрй йил ичида даладагида ўрта ва махсус ўрта маълумотли сувчилар иш-лайдилар.

Бошланғич партия ташкилотла-рининг секретарлари заҳрларнинг сифат даражасини ошириш деҳ-қончилик маданиятини юксалти-ришда ҳал қилувчи омил эканли-гини яхши тушунадилар. Улар-нинг ўзлари агрономли, иқтисод, инженерлик маълумотига эга бўл-ган, партия-хукуматимизнинг қиш-лоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсати-дан яхши хабардор, ташкилотчи ишчилардир. Райондаги 14 хўжа-лик партия ташкилоти секретарла-ридан қарийб ҳаммаси олий маъ-лумотли агроном, зоотехник, ин-женер, иқтисодчи даражасига эга-дилар. Улар қишлоқ хўжалик ҳодимлари ўртасида оммавий-сиё-сий, партияни-ташкилий иш олиб бораётганда, биринчи навбатида-фан янгиликларни илгор тажриба, прогрессив усулларни кенг тарғиб қиладилар. Партия ташкилотла-рини одамлар билан ишлашни ўз-ларининг асосий ишлари, вазифа-лари, деб билидилар.

Райондаги колхоз, совхозлар-нинг партия ташкилотлари ёш-ларда ўз қишлоғига меҳр уйго-тиш, ёшларнинг унумли ишлаши учун зарур шароитларни яратиб бериш тўғрисида бир қатор тад-бирлар белгиланди. Шунга кўра аялловлар уярашув, ветеран-лар билан суҳбатлар ташкил этил-моқда. Ёшлар йигинида меҳнатла-ри жонбозлик кўрсатган ҳурматли кишилар ўз ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб берадилар.

Бу тадбирлар яхши натижа бер-моқда. Ўрта мактабларни тугаган-лар ва Совет Армияси сафидан қайтиб келган ёшлар ўқитиш

сиртдан давом эттириб, колхоз, совхозлар ишида фаол қатнаш-моқдалар. Хўжалиқларнинг пар-тия ташкилотлари мактабларда ҳам бевосита ташкилий ишлар олиб бормоқдалар. Районимиздаги ҳамма мактабларда ўқувчиларнинг ишлаб-чиқариш бригадалари таш-кил этилган, улар техника, мате-риаллар билан таъминланган.

Юқори синф ўқувчилари олаёт-ган билимларини ҳаётий тажриба билан мустақамлаётганликлари учун ҳар икки соҳада ҳам қувон-чи натижаларга эришмоқдалар. Вотинцев номи колхозда иш олиб бораётган ўқувчилар бригадаси ўтган йили 50 гектар ерда макка-жўхори дони етиштириб, гектар-ридан 92 центнердан ҳосил олди. Район марказидаги Ҳамза номи мактаб Қўйибиев номи колхозда иккинчи ўқувчилар бригадаси таш-кил этган. Улар ҳам муваффақ-иятли иш олиб бормоқдалар.

Район партия комитети ёшлар ўртасида пахтакорлик, механизатор-лик, чорвадорлик касбига му-ҳаббат, ҳавас уйғотиш, келажак учун бу соҳанинг аjoyиб кишила-рини тарбиялаб етказиш мақса-дида Султон Сеғизбоев номи совхоз базасида ўқув комбинати тузилиши белгилан қўйди. 1975 йилидан бошлаб район мактаб-ларида 9—10 синф ўқувчиларини 2 тадан группа ажратиб, шу комбинатга уларга қишлоқ хўжа-лиги илми ўргатилади. Ёшлар 10-синфин битириш билан қишлоқдан бирор касбин ҳам ағалламоқда-лар.

Ёшларни колхоз, совхозларнинг дала ишларига, фермаларига қўп-роқ жалб этиш тўғрисида гап кет-ганда, ўрта мактабларни тугатган ёшлар, Совет Армияси сафидан қайтиб келган ёшлар ҳам уш-лар учун қишлоқларда маданий-маи-рий хизмат кўрсатиш мақсасида-рини иш улар талаб даражасида бўлиши айниқса мўҳимдир. Бу масаланинг ана мўҳим томони шунданки, далада, фермаларда отир кўл меҳнати талаб қилидиган ишлар илм-фан ютуқлари, механизация, автоматизация асо-сида бажариладиган бўлиши за-

рур. Шундангина бу соҳа меҳнати ёшларда қизибни уйғотилади.

Ёшлар қўпчина кино-театр, клублар иши қонқарсизлигини до-нолиб, «Янги кинокартиналар кўр-сатилмайди, концерт группалари тез-тез келиб турмайди, даваскор-лар тўғрйларини мунтазам иш олиб бормайди, спорт мусобақалари ўтказиб турилмайди», деб ҳақ-ли суратда эътироз билдирди-лар. Буларни албатта ҳисобга олиш керак.

Биз колхоз, совхоз раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, ёшларни олин ва ўрта махсус ўқув ортла-рида хўжаликлар тасвирисига би-ноан ўқитишни таъсирга қилиб кўрмоқдамиз. Ҳозирги пайтда ўш йилин колхоздан 25 киши, икки совхоздан 8 киши хўжалик та-свирисига кўра олий ва ўрта мах-сус ўқув ортлариди муваффақият-ли ўқимокда. 48 механизатор «Узельсхотехника»нинг бир йил-лик курслариди. 66 киши эса Бекобод қишлоқ хўжалик техни-кумининг райондаги филиалида савияларини оширмоқда.

Деҳқончилик ва чорвачилик кас-бига ҳавас уйғотиш соҳасида олиб борилаётган ишларга ўз самараси-ни бермоқда. 1974 йилда ўрта ма-ктабларни тугатган 96 йигит-ки-зи чорвачилик фермаларида ишлаш учун келдилар.

Район партия комитети, булар-дан ташқари механизаторлар, су-вчилар, пиллачилар ва бошқа кас-бадаги кишиларни қисқа муддатли курсларда ўқишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Шунингдек, иқтисодий билим университетлари ишлаб турибди. 1973—1974 йилларда шу уни-верситетларнинг қўйи зеносида 6615, ўрта зеносида 1295, олий зеносида 199 киши ўз билим да-ражаларини оширди.

Колхоз, совхоз ҳамда ташки-лотларда 29 та қизил бурчақ, 7 та иқтисодий билимлар кабинети, 19 та жиҳозланган синфлар мунтазам иш олиб бормоқда.

Курслар ва университетларда-тигилловчилар ўртасида фан қанди-латилар, олий маълумотли мута-

хассислар лекция ва докладлар қилмоқда.

Ҳар қандай ўқиш, ташкилий ишлар самараси меҳнат натижа-лари билан баҳоланади. Агар на-зарий билимлар тажриба билан мустақамлашмас, ўқийверсаю, иш ривожни кутган мақсадни бермасе, унда қилинган иш қони-қарсиз, деб топилади. Район пар-тия комитети, хўжалиқларнинг партия ташкилотлари ҳамма вақт ана шунинг ҳисобга олиб иш юри-тмоқдалар.

Қўмадан, чорвачилигини рив-ожлантириш ва маҳсулдорлигини таъсирга соҳасида ҳали бизнинг ол-димда катта вазифалар туриб-ди. 14 та хўжаликдан бор-ўш иш-ни колхозда чорвачилик рентабел-соҳа эканлиги билан бу масалалга жиддий эътибор беришни, резерв-лардан фойдаланиш йўллари на-злаб топишни талаб этади. Чор-вач



ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАРБИЯЧИ

мўйлаблари эндигина сабага ура бошлаган эди. Биринчи йил ешсан, деб армияга олишмади. Иккинчи йил ешди ун саккизга тўлар тўлмас яна ҳарбий комиссариатга борди. Ниятига етди.

Тоҳир дуркун йигит эди. Ҳарбий кийим кийгандан кейин яна ҳам савлатлироқ бўлиб кетди. Олдин миномётчиликка ўқиб, солдатлик ҳаётига кўнмади. Ўқиб давомда барчага намуна бўлиб, командирлик раҳматномаларига тақдим этилди.

— Энди сизлар чинакам жангга кирасизлар, — деди бир кун командири. — 2-Армиянинг 47-гвардиячи дивизияси қўшинлари составида Москвадан ҳимоя қила-сизлар. Ҳозир псевдонимиз пойтахт томон жўнайди...

Аёвсиз жанглар бошланди. Миномётчи Тоҳир Зокиров қатнашган шундай жангларнинг бирида душман 75 километр нарига ўлоқ-тириб ташланди.

Фашистлар энди Сталинград томон силжиб кела бошлаган эди. Тоҳир хизмат қилаётган дивизия кеч кузда Дон ёнидаги Серфимович шаҳри мудофасига ташланди. Қўмондонлик буйруғи билан Тоҳир Тоҳир Зокиров фронт-ларда бит пайининг ўзига ҳужум бошлаган, душман ҳалқаси ҳужум ташлангани керак эди.

1942 йилнинг 19 ноябрыда 40 минг тўндан ўқ узилди, артилле-рия тайёргардиги бошланди. 47-

гвардиячи дивизия тезкорлик билан жануб томон кела бошладилар. Совет жангчилари йўл-йўлакай фашистларга беомон зарбалар бериб, ташаббусни тўла қўлга олдилар. Шу жангларнинг бирида Тоҳир чап елкасидан қаттиқ яраланди...

У миномётчиликка ўқиб юрган кезларидаёқ техникага ихлос қўйган эди. Тошкентга қайтган, бироз даволанди, сўнг шоферликка ўқиди. Калинин районидаги ҳозирги «Келес» совхозда етти йил юк машинасини ҳайдади.

— Ёзда иш куп бўларди, аммо қишда эришиб қолардики — деб эслади Тоҳир ака. — Қишнинг узок кунлари бекор ўтмасин, деб автомобиллар тузлишига онд турли хил техник адабиётларни топиб, ўзимча мўлаоз қилишга тутиндим. Кейин Қўқондаги авто-мобил йўллар техникумига сирт-дан ўқишга кирдим. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиш давомида малака ошир-дим.

Тоҳир ака Тошкент автомобиль мактабига инструктор, сўнг му-аллим бўлиб ишлади, куп ўтмай махсус топириқ билан Мирза-чўлга томон йўл олди. Унинг зиммасига чўл хўжалиқлари учун шоферлар тайёрлаб берувчи мах-сус мактаб очиб вазифаси юклатил-ган эди.

Чўлда янги мактабни лойҳа-лаш, қуриш, ўқитувчи кадрлар то-пиш, курсантлар жалб этишнинг ўзи бўлмади. Тоҳир ака дам олиш

нима эканлигини билмасди. Бир оғи қурилиш майдонига, бир оғи идораларда бўлди. Унинг таш-килотчилиги ва уйдабуррочилиги билан мактаб қисқа вақт ичида фойдаланишга топширилиб, даст-лабки йиллик минга яқин курсант шоферлик гувоҳномасини олди. Шу бўйи Тоҳир ака 11 йил мактаб-га раҳбарлик қилди.

— Тошкент области учун ҳам битта шундай мактаб зарур бўлиб қолди, — дейишди бир кун То-ҳир акани министрликка чақир-тириб. — Мактаб очишда тажри-бангиз бор, деб бу вазифани сиз-га топширмоқчимиз.

— Мактаб қурилиши учун қа-ердан жой ажратилган? — аниқ-лаб олмади бўлди Тоҳир ака.

— Хали жой ҳам, лойҳа ҳам йўқ. Фақат Тошкент область ав-томобиль мактаби Чирчиқ шаҳ-рида қурилсин, деган қарор бор, холос.

Иш яна бошидан бошланди. Ян-гирда тўпланган тажриба бу гал анча кўп келди. Қўшқаватли мак-таб лойҳаси штрихларини Тоҳир аканинг ўзи чизиб берди. Чир-чиқ шаҳар ижроия комитети аж-ратган дунглик жой текислиги қурилиш майдони ҳозирларди, йўллар очилди.

Замонавий автомобиль мактаби эндиликда ҳар йили 1,5 минг ўқи-вчи билим бермоқда. Яна қанча-дан қанча 2-3 класс шоферлари малака оширишмоқда. Тоҳир ака Зокировнинг Турғун Турсунов,



Рашид Қюмов, Иван Винокуров, Павел Мешеров каби қуролдош ҳамкасблари армияга чақирилувчи йигитларга шоферлик хунарини ўргатишмоқда, ёшларни мустақил ҳаёт йўлига қулатишмоқда.

Тошкент область автомобиль мактаби директори Тоҳир ака Зокиров ҳозир мактаб учун рес-публикада биринчи автодром ку-рилиши билан банд.

Ж. НОСИРОВ.

Рейхстагни штурм қилиб

Москвадаги Совет Армияси музейида сақланган чирчиқ-лик гвардиячи сержант Исмомил Тўлагановнинг хужжатлари шу кунларда кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Ўзбек ўғлини Исмомил Тўлаганов Улуғ Ватан уруши фронтларида мардонавор жанг қилиб саккизта жангавор орден ва медаллар билан му-кофотланган эди.

Хужжатларга мувофиқ қи-лаччи, «Гвардиячи сержант Ис-момил Тўлаганов ва унинг ку-ролдош дўстлари биринча танк ва юздан ортиқ немис автомат-чисини ер тишлатдилар. Рейх-стаг яқинида душман мажаклаб ташланди. Сўнг рейхстаг штур-ми бошланди. Душман уюсини яқсон қилишда коммунист Ис-момил Тўлаганов алоҳида жасо-рат кўрсатди ва иккинчи дара-жали Ватан уруши ордени бил-лан мукофотланди».

Уша кунлардаги жанглар чирчиқлик қаҳрамонининг ёди-

да. Унинг бир ўзи траншеяда қолди кетди. Немис танклари ҳамон бостириб келарди. Ол-динда ўрмалаётган «Тигр»ни аниқ мўлажалла олиб ўқ эди. Танк бир силкинди-ю жойида таққа тўхтаб қолди. Зум ўт-май, бурқсий бошланди. Орқада келатган туртта танк эса дар-ҳол тўхтаб юзга қайтди. Шун-дан сўнг жангчиларимиз актив ҳужумга ўтиб рейхстагни иш-лошга ола бошладилар.

Совет Армияси музейи зал-ларида ўзбекистонлик жангчи-лар ҳаётидан ҳикоя қилувчи бошқа экспонатларини ҳам ў-қатиш мумкин. Буюк ғалаба-нинг 30 йиллиги арафасида музей ходимлари Ўзбекистон ўғлонлари жасорати ҳақида то-мошабинларга ҳикоя қилиб бер-моқдалар.

В. ЛИПАТОВ,
Улуғ Ватан Ғуруши ветера-ни,
Москва шаҳри.



Кейинги пайтда область автохўжалиқларида ҳаракат хавфсизлиги қондаларига риоя қилишга ало-ҳида эътибор берилмоқда. Бу ишда жамоатчи инструкторларнинг хизмати каттадир. Суратда: 103-автобазанинг ҳаракат хавфсизлиги бўйича жамоатчи ҳўлотда.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

БИР ХИЛ ҲИСОБА

Бир неча кун давомида Ангрен шаҳрида стол тенниси бўйича Ўзе-бекистон кубоги мусобақалари ўтқа-зилди. Озирги учрашувда Бухоро-нинг «Меҳнат» командаси қизлари Тошкентнинг спартакчилари устидан 5:3 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Эраклар ўртасидаги қизгин ку-рашларда Тошкентнинг «Спартак» командаси ўз ҳамшаҳарлари — «Меҳ-нат» резервлари спортчилари усти-дан худди шу ҳисобда ғалаба қозон-ди. Ўзбекистон кубоги совриндор-лари апрель-май ойларида ўтказилад-иган СССР кубоги учрашувларида республика спорт шарафини ҳимоя қиладилар.

НАВБАТДАГИ ТУР — ТОШКЕНТДА

Харьков шаҳрида волейбол бўйича эраклар ўртасида биринчи группа «А» класс мусобақалари бўлиб ўт-ди. Бу даврада шитроқ эътибатан Тошкентнинг динсочилари 6 ўйин-дан 4 тасида ғалабага эришдилар. Икки учрашувда эса оз фарқ билан Фрунзеннинг «Олға» ва Ленинграднинг «Динамо» командаларига эътизаб қўйишди. Ҳозир улар 6-7 ўйинда бермоқдалар.

Навбатдаги учинчи тур мусобақа-лар 1-26 март кунлари Тошкентда бўлади.

ОЛТИ ЧЕМПИОН

Бухоро шаҳрида ёшлар ўртасида дуо-до кураши мусобақалари бўлиб ўтди. Бир неча кун давом этган уч-рашувда 80 дан ортиқ умидли спорт-чиблар иштирок эттиди. Команда ҳи-собида «Ишреестники» жамайти би-ринчи, «Локомотив» иккинчи, «Ди-намо» коллективи эса учинчи ўрин-ни эгалладилар.

Республика биринчилигида тош-кентлик Шаролатов, Валиев, Авазбо-ев, Горбунов, Дурдыев ва Валидов-лар ўз вази тоифаларида республика чемпиони деган шарафли номин қў-лга киритдилар.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Кескин суратда ўтган 17-республи-ка рус шашкаси биринчилиги низо-сига етди. 9 иккинчидан 8 очко ол-ган Зоя Сафина шохсупанинг бири-нчи поғонасига кўтарилди. Тошкент-лик Зоя Пак ва Вера Савельевалар олтидан очко тўпладилар. Козфици-ент бўйича иккинчи ўрин Зоя Пакка насиб этди.

ДУГОНАЛАР

— Ҳайри-ю, ҳо Ҳайри! Юнинг, кўлуба.

Қиз Зухранинг таниш овози, ни эшитди-ю, тушпини туга-тар-туғатмас дўгоналари бил-дан иккинчи қаватта кўтарил-ди.

— Сиз билан шахматда бахс ўйнашиб бўлмайди, яхши, си шашка тараққайлин.

— Нима, «Левитина-Алек-сандрия» бўлармиди, шунчаки куч синашамиз-да.

— Ундай бўлса, майли.

Қизлар тахтага шахмат до-наларини теришди. Зухраҳонинг юришларини кўзатаркансан, ҳақиқатдан ҳам пилиқ шахматчилардан эналани-шини сезди.

— Бу қизимиз тахта устида ҳеч кимни аймайди, — дейди теплица мудири Рихсатилла Мирзамуродов.

— Спортдагина эмас, ишда

ҳам ҳаммадан олдинда, — қў-шимча қилди кимдир.

Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси партия ко-митетининг секретари Адхам Аҳмадхонов у ҳақида кўп на-рсаларни айтиб берди. Зухра-хон ёш бўлса ҳам катта оғру қоронғини энг яхши мастерлардан бири. Ўрта мактабни битириб бу ерга ишга келганига 4 йил бўлди. Ҳайратли, ҳар соҳада ўрнат қўрсатувчи бу қиз ўтган йили Ўзбекистон ССР ва Ўзе-бекистон Компартиясининг 50 йиллиги муносабати билан таъ-сис этилган республика Фах-рий ёрлиғини олди.

Ишда ва турмушда намуна кўрсатиб келатган Зухра Ус-моновани бошланғич партия ташкилотининг секретари ўрин-босарлигига сайлашган.

Шахматчи қиз меҳнатда ҳам дўгоналарини мусобақага ча-

қириб туради. Бу йил КПСС Марказий Комитетининг партия-га, совет ҳалқига Мурожа-ти эълон қилингандан сўнг ҳар квадрат метр ерининг ҳосилдор-лигини ошириш, махсусот тап-нарини арзонлаштириш та-шаббусини кўтариб чиқди. У ишлатган теплица аъзолари 3 гектар майдоннинг ҳар квад-рат метридан 15 килограмм-дан помидор ва бодиринг етип-тиришдек юксак мажбурият олдилар.

Қизларнинг ҳаммаси спортни севишди. Шунинг учун ҳам буш вақтлари зерикари ўтмай-ди. Гидропоника секциясининг мастери Ҳайри Тўрақулова би-ринчи разрядли шашкачи.

Қизаси, бу орда қизларга спорт ҳамма ҳам.

С. МУСАЕВ.

Суратда: Зухра Усмонова. А. Абали фотоси.

Абдулахат ҚАРШИБОВ

Ўрта Чирчиқ районидаги Қуйбўшев номи колхоз раиси 1956 йилдан КПСС аъзоси Абдулахат Қаршибов 47 ёши-да бевақт вафот этди.

А. Қаршибов Ўрта Чирчиқ районидаги Қундузак қишлоғи-да колхозчи оиласида туғилди. 1947 йилдан «Қизил аскар» колхозига ҳисобчи бўлиб иш-лай бошладилар.

А. Қаршибов 1955 йилда Низоми номи Тошкент таъ-сил педагогика институтини сирдан тугатди. 1944 йилдан 1956 йилгача шу қишлоқдаги 46-ўрта мактабда ўқитувчи бў-либ ишлайди. 1956—1957 йил-ларда шу райондаги 15-мак-таб директори вазифасида иш-лайди. 1957 йилдан 1964 йил-гача Ўрта Чирчиқ район пар-тия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири вазифа-сида ишлайди.

1964 йилдан 1969 йилгача Қуйбўшев номи колхоз партия ташкилотининг секретари ва раис ўринбосари вазифасида. 1969 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар шу колхознинг раиси вазифасида ишлаб кел-ди.

Партия ва ҳукуматимиз А. Қаршибовнинг хизматларини юксак баҳолади. У «Хурмат белгиси» ордени, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йилли-ги муносабати билан «Меҳнат-да шухрат кўрсатганлиги» ме-дали билан мукофотланди.

А. Қаршибов кишиларга нисбатан меҳрибон ва себгир эди. Партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган ваифа-ларни амалга оширишда меҳ-натсеварлик ва принципиаллик кўрсатарди.

Абдулахат Қаршибовнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Фильм-концерт. 18.35 — Қалб хотираси. 19.00 — Ёшлар иккиси. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Миллионлар легиона университети (Москва). 20.05 — Шерият мухлисари. 20.15 — «Ахборот». 20.30 — Дўстлик эриши. Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон телевидениеларининг қўшма программаси. 21.30 — Кон-церт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Те-леочери. 22.40 — Тиринлар ва ўлилар (бадиқ фильм 1-серия-си). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.15 — МОСКВА. 19.00 — Ингиллизлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — «Она шахрим, Тошкентим». 20.05 — Уч аёл (2-фильм). 22.00 — Шифо-кор экран. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Илмий-омма-боп программа. 20.00 — Классик нуғилар саҳифалари. 20.40 — Тош-кент янгиликлари. 20.55 — Ва-диний фильм.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/II да Бир англи балетлар: Кар-мен-санта, Ойингиз ва безори. ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27, 28/II да Чамқоқ. МУҲИНИН НОМИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — Хотинимнинг эри, 28/II да Катта концерт. ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да Биринчи буса (18.00).

ТОШКЕНТ ХИМИЯВИЙ РЕАКТИВЛАР МАГАЗИНИ

1975 йил 1 апрелгача 1975 йилда ЛАБОРАТОРИ-ЯЛАР ВА ИШЛАВ ЧИҚА-

РИШДА ФОЙДАЛАНИШ

УЧУН

ХИМИЯВИЙ РЕАКТИВ-ЛАР ВА ПРЕПАРАТ-ЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ

УЧУН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Справка учун телефонлар:

77-48-55, 77-05-52.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҚОШИДАГИ ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛ-ЛЕЙБУС ВОҲАЖАСИГА ҚАРАШЛИ

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган навбатдаги курс-ларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 4 — 5 ой.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади. Шаҳар элек-тр транспортларида бепул юриш ҳуқуқига эга бўладилар. Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, Т. Шевченко кўча, си, 28-уй.

Тошкент шаҳар ижроия ко-митети Тошкент трмвай-трол-лейбус бошқармасига қарашли

2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда троллейбус ҳайдовчилари тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой.

Қабул қилинганлар ойига 60 сўм миқдорда стипендия, формали кийим-бош билан таъминланадилар, ҳамда уларга шаҳар элекстр транспортда бе-пул юриш ҳуқуқи берилади. Ёлғиз кишилар ётоқхона би-дан таъминланадилар. Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, Чаллопар масси-ви, Понорская кўчаси, 4-уй, кадрлар бўлими.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

28 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 7ДА

1-МАРТ СОАТ 5 ДА

СССР ЧЕМПИОНАТИ БЎЙИЧА II ГРУППА

«А» КЛАСС

«РУБИН» (Тюмень) — «БИНОКОР» (Тошкент)

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, КОЛХОЗ ВА

СОВХОЗ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АДВОКАТЛАР КОЛЛЕГИЯ-СИ ПРЕЗИДИУМИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАРГА ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА 1975 ВА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР УЧУН ШАРТНОМА ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.

ЮРИДИК ХИЗМАТ ҲАҚИ КОЛЛЕГИЯ ПРЕЗИДУ-МИ СЧЕТИГА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТЎЛА-НАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕС: Тошкент шаҳар, ГСП, 700000, Жуковский кўчаси, 53- уй. Телефон 33-13-83, со-ат 9.00 дан 18.00 гача, шунингдек, Тошкент облас-тининг шаҳар ва районларидаги юридик кон-сультацияларга уч-рашилсин.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

19 МАРТДАН 30 МАРТГАЧА

БОКС

СССР ХАЛҚЛАРИ VI СПАРТАКИАДАСИНИНГ ФИНАЛ МУСОБА-ҚАЛАРИ.

Олимпиада ўйинлари, жаҳон, Европа ва Совет Иттифоқи чам-пионлари катнашадилар.

4-8 АПРЕЛДА

СССР КУВОГИ УЧУН

ФИГУРАЛИ УЧИШ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР

Олимпиада ўйинлари чемпионлари, жаҳон, Европа ва Совет Иттифонининг кучли спортчилари катнашадилар.

20 АПРЕЛДАН 5 МАЙГАЧА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

УКРАИНАНИНГ «МУЗ УСТИДА

БАЛЕТ» БАДИЙ СПОРТ

АНСАМБЛИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Справка учун телефонлар: 46-03-12, 46-02-50.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.